



## МУАЙЯН ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Гадоёмиродов Бекзод Обиджон ўғли**  
*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси*  
*ўқитувчиси, капитан.*

**Аннотация.** Мақолада муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг тушунчаси, тавсифи, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги ўрни, шунингдек давлатнинг ижтимоий бошқарув жараёнига ва жиноятчилик ҳамда криминоген жараёнларга таъсири билан боғлиқ жараёнлар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Уюшган жиноятчилик, жиноий муҳит, ижтимоий жараён, ишсизлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тиланчилик, моддий ёрдам, ҳуқуқбузарлик.

Жамият ривожланиши билан бир қаторда ундаги жараёнлар ҳам тезлашиб, шаклланиб боради, шу жумладан жиноятчилик ҳам жамият ҳаётига мослашиб, ўзининг содир этилиши шакл ва усулларини такомиллаштириб боради. Хусусан, бугунги кунда фан ва техниканинг ривожланиши, замонавий ахборот технологияларининг барча соҳаларда кенг қўлланилиши, жамият аъзоларининг ахборотлар олиш имкониятларининг ошиши билан бир қаторда, кибержиноятчилик, интернет орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ҳам пайдо бўлишига олиб келди.

Шу билан бирга, жамият ҳаётидаги энг ҳавфли унсур коррупция жиноятларининг мавжудлиги, шунингдек, терроризм ва экстремизм, одам савдоси ҳамда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг нисбатан кўпайиб бораётганлиги эса уларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни тақазо этади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда шиддат билан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли ўртасида ишсизликнинг пайдо бўлиши, айрим тоифадаги шахсларнинг меҳнат бозорида рақобатга дош бера олмаслиги, замонавий билимларга эга эмаслиги сабабли, жамиятда паразит ҳаёт кечирувчи шахсларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Шу боисдан, жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай кўринишдаги иллатларни олдини олиш, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда “Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар” деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва



нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим” [1] деб алоҳида такидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, жамиятдаги мавжуд муаммолар ўз вақтида бартараф этилмас экан, жиноятчи ва турли салбий ҳарактердаги шахсларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг хавфсизлигига хавф туғдиради.

Бунда шахсларнинг хулқига таъсир этувчи турли омилларни ҳам бартараф этиш муҳим эканлигини кўрсатади. Шу ўринда жамиятдаги гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозлик каби иллатлар инсон хулқига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида унинг онгида бузилишга олиб келади.

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қилади[2].

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик, ишсизлик, бошқарув соҳасидаги камчиликлар, инсон хулқига таъсир этувчи омиллар бир бири билан боғлиқ муаммолар бўлиб, оқибатда шахсларнинг ҳам хулқига салбий таъсир қилади.

Натижада жамиятда жиноятчилар, гиёҳвандлар, сурункали ичкиликбозлар, дайдилар, тиламчилар, шу билан бирга муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар пайдо бўлади.

Шу боисдан, ушбу шахсларни нормал турмуш тарзига қайтариш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш орқали жамиятга мослаштиришни амалга ошириш лозим.

Жамиятда шунда тоифадаги шахслар мавжудки, айримлари ҳуқуқбузарлиги, енгил турмуш тарзини кечириши, ҳуқуқий билимлари шаклланмаганлиги натижасида “паразит” ҳаёт кечириш тарзига ўтиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 309-сон қарори билан тасдиқланган низомда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларига жойлаштириш тартибини белгилаб беради.

Чунончи, Низомда берилган таърифда муаян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахс деб эътироф этилган, аммо аксарият ҳолатларда бу тоифадаги





шахсларнинг яқин қариндошлари ёки танишлари томонидан шахсдаги тонувчанлик, ҳуқуқий билимларнинг шаклланмаганлиги ёки соддалигидан фойдаланиб унга тегишли бўлган уй-жойларни ўзлаштириш ҳолатлари учраб туради.

Таъкидлаш лозимки, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар ҳақида қарорда берилган тушунчани мазмунан бойитиш зарурати мавжуд, жумладан бу тоифадаги шахслар ўз навбатида ижтимоий, психологик, тиббий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож тоифадаги шахслар бўлади.

Таъкидлаш лозимки муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ўз номи билан жазоловчи эмас, балки шахсни реабилитация қилувчи муассаса ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда “ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи”.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади[3].

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 309-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида низом”да мазкур тушунчани қуйидаги мазмунда баён этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

“Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс – муайян яшаш жойига эга бўлмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикасида вақтинча ёки доимий рўйхати мавжуд бўлмаган ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган 18 ёшдан ошган шахс”.



Кўпинча амалиётда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс деганда, кўз олдимизга дайди ва тиламчилар келади. Албатта, бу тоифадаги шахслар ҳам жамиятга зид турмуш тарзини кечирувчилар тоифасига киради, лекин уларнинг кўпчилигининг муқим яшаш жойига эгаллиги аниқланган. Баъзи бир ҳолатларда эса иш ва яшаш жойларига эга бўлмаганлари ҳам учрайди. Профилактика инспекторлари ўз хизмат фаолияти давомида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ажрата билиши талаб этилади, шунингдек дайдилик ва тиламчиликни бир биридан фарқлай олиши ҳам зарур.

Дайди ва тиламчиларнинг ўзига яраша фарқидан ташқари, ўхшаш томонлари ҳам бор. Ўхшашлиги иккала тоифадаги шахслар ҳам текин даромад орттиришга интилади, фойдали меҳнат билан шуғулланмайди ва доимий равишда ифлос ҳолда юради ҳамда жамиятга зид хатти-ҳаракатлар содир этиб, маънавиятимиз ва қадриятларимизга тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланади.

Дайдилар кўпинча яшаш жойига эга бўлмаслиги ёки бор бўлса ҳам қувилган ёки маълум бир сабабларга кўра ажралган бўлиши мумкин. Кўпинча улар атроф-муҳитга бефарқроқ бўлиб, қарашларида ҳам ифода йўқ. Дайдиларнинг бошқалардан ҳеч нарса талаб қилмаслиги, фақат топилган ташландиқ озиқ-овқатлар ва бошқа нарсалар билан кун кўриши, баъзида эса эгаси йўқлигидан фойдаланиб, ўзганинг мулкани ўғирлаши ҳолатлари учраб туради.

Тиламчилар эса турли аҳоли яшаш жойларида бошқа шахслардан ўзига кўмак беришларини сўраб, улардан озиқ-овқат, кийим-кечак, пул ёки шунга ўхшаш буюмларни талаб олишга интиладилар. Улар кўпроқ ўзларини ночор кўрсатадилар, яъни касал, етим, ногирон ва шу кабилар. Тиламчиларнинг кўпчилик қисми уй-жойга эга бўлади. Баъзи ҳолларда эса уй-жойсиз бўлиши ҳам мумкин. Статистик маълумотларга кўра ўғирлик ёки шунга ўхшаш жиноятларнинг содир этилиши шу тоифадаги шахслар ҳиссасига тўғри келар экан.

Дайдилик ва тиламчилик ҳам ўз навбатида жамиятимиздаги ижтимоий-салбий иллатлардан бири бўлиб, кўп жиҳатдан гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик натижасида вужудга келади, шахсда жамиятга қарши ахлоқнинг шаклланишига сабабчи бўлади. Зеро, кўп гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи шахсларда меҳнат қобилияти пасайганлиги оқибатида текинхўрлик билан кун кечириш хусусиятлари пайдо бўлади. Текинхўрлик бу меҳнат қилиш қобилиятига эга фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан фойдали бўлган меҳнатдан бўйин тортишидир. Мисол тариқасида, бу тоифадаги шахсларга дайди ва тиламчиларни, шунингдек гиёҳвандлар, сурункали ичкиликбозларни киритишимиз мумкин. Чунки кўп ҳолларда бундай шахслар юқоридаги салбий-ижтимоий иллатлар билан шуғулланишга мойил бўладилар.





Профилактика инспекторлари бу тоифадаги шахслар билан ишлаш жараёнида шахснинг нима сабабдан гиёҳвандлик ёки сурункали ичкиликбозликка ружу қўйганлигининг сабабларини ҳам ўрганишлари шартдир. Чунки, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан нафрат билан қараш, уларни одамлар орасига қўшмаслик оқибати уларда янада жамият ва бошқалардан узоқлашишига олиб келади, шулардан келиб чиқиб, аксинча бу тоифадаги шахсларга яқиндан ёрдам бериш, тўғри турмуш тарзини танлашга қўмаклашиш лозим бўлади. Кўп ҳолларда бу тоифадаги шахслар оила аъзолари, яқинларининг унга нисбатан амалга оширган ноҳақликлари натижасида шу йўлга кирадилар, яъни уларнинг ҳаётдан кўнгли совийди, инсонга бўлган ишончи сўнади, ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг сони ортиб боришининг сабаб-шароитларини аниқлаш ва уларни таҳлил этган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, жинсий гуруҳлар ёки диний-экстремистик ва террористик ташкилотлар ушбу тоифадаги шахслардан фойдаланишлари мумкин. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг асосий вазифаларидан бири оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдир. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни фарқлай олиши, уларни ўз вақтида аниқлаши ва шахсини аниқлаш чораларини кўриши ва зарур ҳолда «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари»га топшириш чораларини кўришлари лозим Масалан, дайди ва тиламчиларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир/ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

2. Душанов Р.Х. Касбий психология: Дарслик // Р. Х. Душанов, Ё. А. Фарфиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 338 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартиб-бини, шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони// URL: <http://xs.uz>.

4. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни



бартараф этиш йўналишлари. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 116-123.

5. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

6. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

9. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

10. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

11. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинладиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

12. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

13. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.